


# DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI



Elektron ilmiy-ommabop jurnal

**2025**

**1-SON**

(+998) 50-005-45-69

[https://t.me/demografiya\\_mehnatbozori](https://t.me/demografiya_mehnatbozori)

[demografiya\\_mehnat\\_bozori@mail.ru](mailto:demografiya_mehnat_bozori@mail.ru)

**DEMOGRAFIYA  
VA MEHNAT  
BOZORI**

**2025-yil  
1-SON**

Elektron ilmiy-ommabop jurnal  
Электронный научно-популярный журнал  
Electronic popular science journal

**BOSH MUHARRIR:**

Umurzoqov Bahodir Xamidovich

**MUHARRIR:**

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

**TAHRIR HAY'ATI:**

**Abduraxmonov Qalandar Xodjaevich, i.f.d., akademik.**

**Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof.,**

**Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof.,**

**Axmedov Durbek Quدراتillaevich, i.f.d., professor**

**Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.,**

**Nasimov Dilmurod Abdulloyevich, i.f.d., prof.,**

**Arabov Nurali Uralovich, i.f.d., prof.,**

**Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna, i.f.d., prof.,**

**Mamadaliyeva Xafiza Xoldarovna, i.f.d., prof.,**

**Irmatova Aziza Baxromovna, i.f.d., prof.,**

**Tojiyeva Zulxumor Nazarovna, g.f.d., professor**

**Isayev Faxriddin Ikramovich, i.f.d., prof.**

**Usmanov Anvar Saidmaxmudovich, i.f.d., professor**

**Qodirov Abdurashid Madjidovich, i.f.d., professor**

**Hermann Sterzinger, i.f.d., professor (Germaniya)**

**Ergashxodjaeva Shaxnoza Djasurovna, i.f.d., professor**

**Tomash Kuchera, i.f.d., professor (Chexiya)**

**Abrorov Sirojiddin Zuxriddin o'g'li, PhD**

**Shakarov Zafar Gaffarovich, PhD, dotsent**

**Maxmudov Asliddin Sirojiddin o'g'li, PhD**

**Gulmurodov Kamoliddin Abduqodir o'g'li, PhD**

**Asqarova Muhabbat Ibraximovna**

**Bahriddinova Muazzam Azam qizi**

## MUNDARIJA

<b>Умурзаков Баходир Хамидович</b> <i>Дунёдаги демографик ривожланиш ҳолати ва истиқболлари.....</i>	4
<b>Xudoykulov Sadirdin Karimovich, Abdurahimov Sarvar Nasrilloevich</b> <i>Kambag'allikni qisqartirish, aholi turmush tarzini yaxshilash — farovon hayot demakdir.....</i>	18
<b>Tojiyeva Zulxumor Nazarovna, Musayev Bekzod Murodovich</b> <i>Mirzacho'l iqtisodiy rayon shaharlarining ijtimoiy-demografik rivojlanishi va muammolarini hal etish yo'llari.....</i>	29
<b>Мамадалиева Хафиза Холдаровна</b> <i>Демографическое развитие и его влияние на экономический рост страны: теоретический и эмпирический анализ.....</i>	38
<b>Abdullayev Asliddin Jumaydullayevich, Burxonov Sardorjon Nasulloevich</b> <i>Enhancing educational effectiveness through the application of innovative communication marketing strategies in higher education institutions.....</i>	49
<b>Yavmutov Dilshod Shoyimardonqulovich, Burxonov Sardorjon Nasulloevich</b> <i>The role of industrial greening in ensuring economic stability in our country.....</i>	63
<b>Tojiyeva Zulxumor Nazarovna, Omanova Kamola Botir qizi</b> <i>Jizzax viloyati qishloq aholi manzilgohlari joylanishining geografik xususiyatlari (turlari va shakllari).....</i>	73
<b>Shakarov Zafar Gafforovich</b> <i>Иш жойлари мониторинги амалга оширишнинг хорижий давлатлар тажрибалари.....</i>	82
<b>Burxonov Sardorjon Nasulloevich</b> <i>Leveraging marketing strategies to boost national economic competitiveness.....</i>	91
<b>Sherxolov Olimjon Iskandarovich, Musayev Bekzod Murodovich</b> <i>Samarqand viloyati aholi soni dinamikasi.....</i>	100
<b>Maxmudov Asliddin Sirojiddin o'g'li</b> <i>Mintaqalarni barqaror rivojlantirishning iqtisodiy asoslari.....</i>	107
<b>Asqarova Muhabbat Ibraximovna</b> <i>Hozirgi zamon ilmiy-amaliy yondoshuvlarni innovatsion tarzda shakllantirish va rivojlantirish...</i>	116
<b>Burxonov Sardorjon Nasulloevich, Dustmurodov Diyorbek Xo'dayor o'g'li</b> <i>Tadbirkorlik subyektlarida moliyaviy strategiyani shakllantirish.....</i>	125
<b>Нуманова Мадина Латиф қизи</b> <i>Инсон капитали ва барқарор ўсиш: Ўзбекистон ҳудудларининг рақобатбардошлигини оширишдаги роли.....</i>	131
<b>To'rayev Mirzohid Hoshim o'g'li</b> <i>Yaponiyada uy xo'jaligi transfertlarining iqtisodiy ahamiyati va uni O'zbekiston sharoitida tatbiq etish imkoniyatlari.....</i>	143
<b>Ibragimova Mehrangiz Isomiddinovna</b> <i>Ta'limda modulli o'qitish texnologiyasi.....</i>	151
<b>Ro'ziyeva Anora Muhammadiyor qizi</b> <i>Kompyuter jinoyatlari va kiberxavfsizlik: raqamli jamiyatda huquqiy, texnologik va ijtimoiy jihatlar.....</i>	156
<b>Mamatqulova Mushtariy Komiljon qizi</b> <i>Mehnat munosabatlarida moliya-soliq mexanizmlari orqali norasmiy bandlikni kamaytirish choralari.....</i>	165
<b>Yunusova Ug'iloy Bolqiboy qizi</b> <i>Ovqatlanish korxonalarida ofitsantlar xizmat sifatini oshirish.....</i>	172

## ИШ ЖОЙЛАРИ МОНИТОРИНГИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

**Шакарров Зафар Гаффорович**

*PhD, доцент, мустақил тадқиқотчи,  
Тошкент шаҳридаги Г.В. Плеханов номидаги  
Россия иқтисодиёт университети филиали*

*e-mail: [zafarshakarov@mail.ru](mailto:zafarshakarov@mail.ru).*

*ORCID: 0009-0001-0750-4637*

**Аннотация.** Ушбу мақолада иш жойлари мониторинги соҳасида халқаро тажрибалар, хусусан Европа Иттифоқи, ОЭСР ва МДХ давлатларининг институционал ва рақамли тажрибалари таҳлил қилинган. Меҳнат бозори тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, таҳлил қилиш ва прогноз қилишда меҳнат бозори обсерваториялари, рақамли платформалар ва миллий ахборот тизимларининг ўрни кўрсатилган. Шунингдек, Ўзбекистонда меҳнат бозори мониторинги тизимини халқаро стандартлар асосида жорий этиш имкониятлари ва самарали амалий йўллари тавсия этилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат бозори, мониторинг, рақамлаштириш, иш жойлари, обсерватория, ЕИ, ОЭСР, МДХ, ахборот тизими.

## ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО ВНЕДРЕНИЮ МОНИТОРИНГА РАБОЧИХ МЕСТ

**Шакарров Зафар Гаффорович**

*PhD, доцент, независимый исследователь,  
г. Ташкент, им. Г.В. Плеханова Филиал  
Российского экономического университета*

**Аннотация.** В статье проанализирован международный опыт мониторинга рабочих мест с акцентом на практики Европейского союза, ОЭСР и СНГ. Рассматриваются институциональные и цифровые инструменты, используемые для сбора, анализа и прогнозирования данных о рынке труда. Особое внимание уделено возможностям внедрения аналогичной системы мониторинга в Узбекистане на основе международных стандартов и с учетом национальных особенностей.

**Ключевые слова:** рынок труда, мониторинг, цифровизация, рабочие места, обсерватория, ЕС, ОЭСР, СНГ, информационная система.

## EXPERIENCES OF FOREIGN COUNTRIES IN THE IMPLEMENTATION OF WORKPLACE MONITORING

**Shakarov Zafar Gafforovich**

PhD, associate, independent researcher,  
Russian University of Economics  
named G.V.Plexanov Tashkent branch

**Abstract.** This article explores international practices of job monitoring, focusing on institutional and digital approaches used in the European Union, OECD, and CIS countries. It highlights the importance of labour market observatories, digital platforms, and national information systems in collecting, analysing, and forecasting labour market data. The study also provides recommendations for developing an effective job monitoring system in Uzbekistan aligned with international standards and tailored to national needs.

**Keywords:** labour market, monitoring, digitalization, job creation, observatory, EU, OECD, CIS, information system.

**Кириш.** Ҳозирги вақтда жаҳон меҳнат бозоридаги жараёнлар шиддат билан ўзгариб бормоқда. Янгича иш шакллари, рақамли технологиялардан фойдаланиш ва меҳнат муҳитининг глобаллашуви меҳнат ресурслари ҳаракати, иш ўринлари яратилиши ва уларни сақлаб қолиш механизмларига таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат иш жойлари бўйича тўлиқ, тизимли ва даврий мониторинг олиб боришга бўлган эҳтиёжни кучайтиради.

Европа Иттифоқи, ОЭСР ва МДҲ давлатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат бозоридаги жараёнларни кузатиб бориш, иш ўринлари тузилиши, уларнинг барқарорлиги ва сифатини баҳолаш, шунингдек, турли соҳалардаги ишчи кучига бўлган талабни башорат қилиш учун махсус мониторинг тизимлари ва рақамли платформалардан самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, меҳнат бозори обсерваториялари, автоматлаштирилган маълумотлар базалари ва “big data” технологиялари ёрдамида жойларда иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш имкони яратилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолини муносиб иш билан таъминлаш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида иш жойлари мониторингини халқаро андозалар асосида ташкил этиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу йўналишдаги илғор

халқаро тажрибани ўрганиш ва маҳаллий шароитларга мослаштириш орқали, соҳавий ва ҳудудий кесимда ишчи кучига бўлган талабни аниқлаш, янги иш ўринлари яратиш истиқболларини баҳолаш ва уларни давлат сиёсатига интеграция қилиш учун мустаҳкам асос яратилади.

Шу маънода, иш жойлари мониторинги бўйича халқаро тажрибанинг илмий таҳлили ва амалий қўлланилиши меҳнат бозори барқарорлиги, инсон капитали самарадорлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим инструмент ҳисобланади. Бу эса Ўзбекистонда рақамлаштирилган меҳнат сиёсати асосида инсон манбалари ривожини таъминлашга хизмат қилади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Замонавий меҳнат бозорини мониторинг қилиш усуллари глобал ва миллий даражада институционал таҳлил ҳамда рақамли платформаларнинг синергияси асосида шаклланмоқда. Бу усуллар статистик маълумотлар, маъмурий ҳисоботлар ва иш ўринлари тўғрисидаги реал вақтдаги маълумотларни бирлаштирган ҳолда меҳнат бозоридаги ҳолатни тўлиқ қамраб олиш имконини яратади. Хусусан, Европа Иттифоқи мамлакатларида меҳнат шароитлари ва иш жойларининг сифатини кузатишга қаратилган Еврообсерватория (European Working Conditions Observatory – EWCO) самарали фаолият юритиб келмоқда [1]. У мазкур соҳадаги сифат кўрсаткичларини тизимли равишда таҳлил этиш ва таққослаш имконини беради.

Шунингдек, Европа Комиссияси ва ЕАСТА (Европа агентлиги) томонидан ташкил этилган EURES (European Employment Services) портали орқали 31 давлатнинг меҳнат хизматлари маълумотлари агрегат қилинмоқда. Ушбу платформа вакансиялар, ишчи кучи ҳаракати ва ишсизлик тўғрисидаги ахборотларнинг марказлаштирилган манбаи ҳисобланади [2]. ЕИ доирасида ташкил этилган яна бир муҳим институт – Европанинг Иқтисодий ва Ижтимоий Қўмитаси (EESC) қошидаги Меҳнат бозорини таҳлил қилиш лабораторияси (Labour Market Observatory – LMO) бўлиб, у бандлик соҳасидаги тенденциялар ва илғор тажрибаларни ўрганишга ихтисослашган [3].

Бизнинг фикримизча, ушбу турдаги институтлар жуда муҳим, чунки улар меҳнат сиёсати ва меҳнат бозоридаги ўзгаришларни баҳолашда солиштирма тадқиқотлар ва тизимли мониторингни амалга оширади [5]. Шу билан бирга, Евростат (Eurostat) сингари Европа Иттифоқи агентликлари томонидан мунтазам равишда меҳнат ресурслари, иш ҳақи

ва ишсизлик динамикаси бўйича расмий маълумотлар эълон қилинади. Бу маълумотлар статистик мониторингнинг мустақкам пойдевори сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида асосан ахборотларга асосланган мантиқий таҳлил усуллари қўлланилди. Бунда билиш назариясининг индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил, синтез ва прогноз каби услубларидан ва ёндошувларидан ҳам фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Ҳозирги кунда рақамли ечимлар, жумладан, электрон меҳнат биржалари ва вакансия порталлари орқали маълумотларни реал вақтда олиш мумкин бўлиб, улар меҳнат бозоридаги ҳолат ҳақида тезкор маълумот олиш имконини яратади. Бизнинг назаримизда, айнан институционал обсерваториялар билан рақамли платформаларнинг уйғунлиги меҳнат бозорини тўлиқ қамраб олган ҳолда таҳлил қилиш имкониятини яратади. Бунда аниқ статистик маълумотлар, ҳуқуқий муҳит ва рақамли инфратузилма биргаликда ишлайди.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ОЭСР) доирасида ягона марказлашган меҳнат бозори обсерваторияси мавжуд бўлмаса-да, ташкилот доимий равишда ILOSTAT ва ўзининг статистик маълумотлари орқали мамлакатлар ўртасида солиштирма таҳлилларни амалга оширади [8]. Масалан, ҳар йили чоп этиладиган “OECD Employment Outlook” ҳисоботида бандлик, иш ҳақи ва ишсизлик кўрсаткичларининг таҳлили билан бир қаторда, «реал иш ҳақи ўсмоқда, аммо кўплаб мамлакатларда у ҳали ҳам 2019 йилги даражадан паст» эканлиги таъкидланади [9].

ОЭСР (Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти) концепцияси кўпроқ назарий “рамка” сифатида хизмат қилиб, статистик маълумотларни стандартлаштириш ва тажриба алмашишни рағбатлантиради. Ушбу концепция доирасида “гиг-иқтисодиёт”ни мониторинг қилиш бўйича қўлланма ишлаб чиқилган бўлиб, бу соҳадаги муаммоларни аниқлаш ва солиштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади [10].

Аммо амалиётда ушбу мониторинг воситалари миллий даражада – меҳнат вазирликлари, статистика агентликлари ва илмий-тадқиқот марказлари фаолияти орқали амалга оширилади. Масалан, кўплаб мамлакатларда миллий меҳнат бозори маълумот тизимлари (Labour

Market Information Systems – LMIS) mehnat va ta'lim vazirliklari qoшида tashkil etilgan [12].

Shu asosda, mehnat bozori monitoringida xalqaro standartlar va maхalliy infratuзилmalarнинг uyғunlashuvi, raқamli echimlar va huқuқiy bazaning muvoфиqlashtiriliши, хamda taхлилни амалга оширувчи институтларнинг тизимли фаолияти meхнат сиёсатида самарадорликни таъминлайди. Ушбу ёндашув Ўзбекистонда meхнат bozori monitoring тизимини яратишда фойдали тажриба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Meхнат bozorини monitoring қилиш соҳасида хalqaro амалиёт шундан dalolat берадики, миллий даражада самарали taхлил тизимини яратиш учун davlat идоралари ўртасидаги институционал ҳамкорлик va raқamli infratuзилмани uyғunlashtiriш талаб этилади. Бунинг энг yaққол мисолларидан бири - meхнат bozorига oid лаборатория обсерваториялари (Labour Market Observatories – ЛМО)нинг турли мамлакатларда meхнат ёки таълим vazirliklari qoшида tashkil этилаётганидир. Уларнинг asosий maқсади - meхнат bozori ҳақида долзарб va ишончли maълумотларни taқдим этиш, хусусан энг талабгир касблар тўғрисидаги maълумотларни тарқатишдан иборат [13]. Бизнинг фикримизча, бундай тузилmalarнинг яратилиши meхнат сиёсатида идоралараро ҳамкорлик va maъмурий maълумотлар базасига кириш имкониятига бўлган эҳтиёжни аниқ ifodalayди.

Mустақил Davlatlar Хамдўстлиги (МДХ) доирасида meхнат bozorини monitoring қилиш бўйича ёндашув ҳозирча kamроқ markazlashgan бўлиб, кўпроқ статистик maълумотлар йиғими va maъмурий рўйхатлар asосида амалга оширилмоқда. 2013 йилда МДХ Meхнат бўйича Kenгашининг қарори asосида ишга туширилган умумdavlat monitoring тизими asосида meхнат va aҳоли бандлиги тўғрисидаги asosий кўрсаткичларнинг ягона рўйхати шакллантирилган. Ушбу рўйхатга aҳоли сони, миграция oқимлари, битирувчилар сони va уларнинг ишга жойлашиши, вакансиялар va meхнат ресурслари муvoзанати каби кўрсаткичлар киритилган [4].

Амалий мисол сифатида, Oзарбайжонда Meхнат vazirлиги qoшида tashkil etilgan "Meхнат bozori va ijtimoiy ҳимоя бўйича миллий обсерватория"ни келтириш мумкин. У meхнат bozoridaги ҳолатни баҳолаш, тенденцияларни ўрганиш, monitoring олиб бориш va meхнат сиёсати ривожини прогноз қилиш vazifalarини амалга оширади [11].

Шунингдек, Қозоғистонда фаолият юритаётган «Enbek.kz» электрон платформаси ягона давлат хизматлари тизими сифатида ишсизлик, вакансиялар ва касбий йўналишлар бўйича маълумотларни жамлаб беради. Бу платформа меҳнат хизматлари рақамлаштирилишида муҳим босқич ҳисобланади.

1-Жадвал.

**ЕИ ва ОЭСРда меҳнат бозорини мониторинг қилиш бўйича асосий тузилмалар ва платформалар**

Ташкилот (Худуд)	Асбоб/Платформа	Асосий вазифалари ва маълумот қамрови
Eurofound (ЕИ)	EWCO (Меҳнат шароитлари обсерваторияси)	Меҳнат шароитлари, иш сифатини ва компенсацияларни миллий ва Европа даражасида мониторинг қилиш
EESC (ЕИ)	Labour Market Observatory (LMO)	Меҳнат бозори тенденциялари, бандлик сиёсати ва энг яхши амалиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш
Еврокомиссия (ЕИ)	EURES (портал)	Миллий бандлик хизматлари орқали иш ўринлари ва ишсизлик бўйича статистикани йиғиш, меҳнатга талаб ва таклиф таҳлили
Eurostat (ЕИ)	European Labour Force Survey (LFS)	Бандлик, ишсизлик, иш соатлари, иш ҳақи миқдори ва тақсимоли бўйича мунтазам статистик маълумотлар
OECD (халқаро)	OECD.Stat / Employment Outlook	Бандлик, ишсизлик ва иш ҳақи бўйича таққосланадиган халқаро статистика, таҳлилий ҳисоботлар
ХМТ (халқаро)	ILOSTAT / LMIS бўйича қўлланмалар	Бутунжаҳон меҳнат статистикаси базаси; миллий меҳнат ахборот тизимларини (LMIS) яратиш бўйича тавсиялар, мониторинг ва таҳлил функциялари

**Изоҳ:** Eurostat (ЕС), ILO, World Bank ва EURES/ELA асосида муаллиф томонидан тузилган

Россияда меҳнат бозори тўғрисидаги маълумотлар асосан Росстатнинг ишчи кучини танлама ўрганишлари ва Пенсия жамғармаси маълумотлари орқали шакллантирилади. Бироқ, халқаро амалиётдаги каби марказлаштирилган "меҳнат бозори обсерваторияси" концепцияси ҳозирча татбиқ этилмаган. Бизнинг фикримизча, МДХ мамлакатларида ҳозирги амалиёт кўпроқ расмий статистика ва маъмурий ҳисоботларга асосланган бўлиб, оммавий рақамли платформаларга етарлича интеграция қилинмаган.

## 2-Жадвал.

**МДХ давлатларида мониторинг воситалари ва платформалар**

Давлат / МДХ	Асбоб / Ташкилот	Вазифалари / Маълумот қамрови
Озарбайжон	Меҳнат бозори миллий обсерваторияси	Бандлик, ишсизликни таҳлил қилиш, меҳнат бозори тенденцияларини башоратлаш
Қозоғистон	Еnbek.kz (ягона платформа)	Электрон меҳнат биржаси, бўш иш ўринлари базаси, касбий йўналтириш хизматлари
Россия	Росстат, Меҳнат вазирлиги	Бандлик ва ишсизликни баҳолаш, аҳоли сўровлари асосида меҳнат бозорини мониторинг қилиш
МДХ (давлатлараро)	МДХ мониторинг тизими (2013)	Ягона индикаторлар мажмуаси (аҳоли сони, миграция, бўш иш ўринлари)
МДХ (давлатлараро)	МДХ Статистика қўмитаси	«МДХ меҳнат бозорлари мониторинги» тўпламлари орқали таққослама статистика
Қирғизистон, Тожикистон ва бошқалар	Миллий бандлик хизматлари ва статистика	Меҳнат бозорига оид маълумотлар, кўп ҳолларда парча-парча ва ихтисослашган ҳисоботлар шаклида берилади

**Изоҳ:** Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Бу нуқтаи назарни МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси томонидан мунтазам чоп этилаётган “МДХ давлатларида меҳнат бозори ҳолати мониторинги 2020–2023” тўплами тасдиқлайди. Унда аъзо мамлакатлар бўйича меҳнатга оид кўрсаткичлар таққосламаси келтирилган ва улар халқаро стандартлар асосида шакллантирилган [7].

Шу билан бирга, сўнгги йилларда МДХ доирасида меҳнат муносабатларини рақамлаштиришга қизиқиш ортмоқда. Хусусан, “платформавий меҳнат” тўғрисидаги қонун модели юзасидан муҳокамалар олиб борилмоқда, бу эса меҳнат бозори мониторингида рақамли механизмларни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш эҳтиёжига ишора қилади [6].

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, меҳнат бозорини самарали мониторинг қилишнинг назарий ва амалий асослари ўзаро боғлиқ учта асосий функцияни ўз ичига олади: аналитика ва прогнозлаш, бандлик сиёсати бўйича мунтазам ҳисобот тайёрлаш ҳамда меҳнат бозори иштирокчилари ўртасида маълумот алмашишни мувофиқлаштириш. Ушбу ёндашув Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан илгари сурилган ва дунё тажрибасида кенг қўлланилмоқда.

Амалий жиҳатдан қаралганда, Европа Иттифоқи ва ОЭСР мамлакатлари статистик маълумотлар ва илмий тадқиқотларга таянади. Хусусан, Eurostat, ILOSTAT каби халқаро маълумотлар базалари, йиллик таҳлилий ҳисоботлар (масалан, OECD Employment Outlook) орқали меҳнат бозоридаги жараёнлар мунтазам кузатилиб борилади. Бу тизим рақамли платформалар (EURES, EWCO) билан тўлдирилиб, меҳнат мутахассислари ва сиёсатчилар учун реал вақтдаги маълумот манбаига айланган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатларида эса меҳнат бозорини мониторинг қилиш амалиёти асосан маъмурий маълумотлар ва ҳудудий электрон сервисларга таянади. Ягона рақамли платформалар ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлиб, мониторинг тизимлари кўпроқ статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашга қаратилган. Аммо сўнгги йилларда МДҲ доирасида умумий стандартлар ва қонунчилик ташаббусларини мувофиқлаштириш борасида муайян ҳаракатлар кузатилмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Шунинг учун, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон учун мақбул стратегик йўналиш - бу Европа Иттифоқи ва ОЭСР томонидан қўлланилаётган комплекс ёндашувни миллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда мослаштириш ва босқичма-босқич жорий этишдан иборатдир. Бу жараёнда халқаро статистик стандартларга асосланган платформа ечимларини ишлаб чиқиш, хусусан, электрон меҳнат биржалари, касбий кўникмаларни ривожлантириш порталлари каби тизимларни ташкил этиш долзарб вазифадир. Бундай платформалар маъмурий реестрлар (ижтимоий суғурта, солиқ, пенсия маълумотлари) билан интеграция қилинган ҳолда иш ҳақи, иш ўринлари ва меҳнат шароитларининг динамикасини таҳлил қилиш имконини беради.

Иккинчи муҳим жиҳат - бу кадрлар бўйича обсерваторияларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашдир. Бундай тузилмалар меҳнат бозоридаги мавжуд тенденциялар, талаб ва таклиф мувозанати, малакали ишчи кучига эҳтиёж ва гендер-ёш тузилмасини таҳлил қилишда катта амалий аҳамиятга эга. Улар давлат сиёсати учун аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда ишончли маълумот манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда меҳнат бозори мониторинги тизимини шакллантиришда назарий моделларни амалий маълумотлар билан уйғунлаштириш, халқаро тажриба ва стандартлар асосида миллий

ечимларни ривожлантириш ва рақамлаштириш орқали ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг самарадорлигини оширишга эришиш мумкин бўлади. Бу ёндашув мамлакатда иш ўринлари яратилиши, меҳнат шароитлари ва ишсизлик даражасини тезкор равишда кузатиш, таҳлил қилиш ҳамда прогнозлаш имкониятини кенгайтиради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Eurofound. *European Working Conditions Observatory (EWCO)*. URL: <https://www.eurofound.europa.eu/observatories/ewco>
2. EURES. *The European Job Mobility Portal*. URL: <https://eures.europa.eu>
3. European Economic and Social Committee (EESC). *Labour Market Observatory*. URL: <https://www.eesc.europa.eu/en/sections/labour-market-observatory>
4. E-CIS. *Межгосударственная система мониторинга рынка труда стран СНГ*. URL: <https://e-cis.info/page/21387/>
5. International Labour Organization (ILO). *Labour market information systems*. URL: <https://www.ilo.org/global/statistics-and-databases/lang-en/index.htm>
6. IACIS. *Межпарламентская Ассамблея СНГ. Модель закона о платформенной занятости*. URL: <https://iacis.ru/news/>
7. CISSTAT. *Мониторинг состояния рынков труда стран СНГ. 2020–2023*. URL: <https://new.cisstat.org/>
8. OECD. *International Migration Outlook 2024*. Paris: OECD Publishing, 2024.
9. OECD. *OECD Employment Outlook 2024*. Paris: OECD Publishing, 2024. URL: <https://www.oecd.org/employment-outlook/>
10. OECD. *Measuring the Platform Economy*. *OECD Digital Economy Papers*, No. 304, 2021.
11. Think Tanks Azerbaijan. *Национальная обсерватория по рынку труда и социальной защите*. URL: <https://think-tanks.az/ru/news/1066>.
12. World Bank. *LMIS Toolkit: Designing Labor Market Information Systems*. URL: <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/11989>
13. World Bank. *Labour Market Observatories Toolkit*. URL: <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/11989>

## DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI

### **BOSH MUHARRIR:**

Umurzoqov Bahodir Xamidovich

### **MUHARRIR:**

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

